

• Умр савдоси

ОШИКМАНГ, ОЙ ТҮЛГҮНЧА...

- * **Тенги чиқса, текин берми?**
- * **Ўттиз ёшли куёв ва ўн тўрт ёшли келинчак**
- * **Мулла қайга йўқолди?**
- * **Ўғай бўлса чиқариб ташлаш керакми?**
- * **Эрта турмуш қуришнинг нохуш оқибатлари**
- * **Қонунни ўрганайлик ва ҳурмат қилайлик**

Ота-она учун бўйи етган кизини муносиб оилага узатиш, орзу-ҳавасини қуришдан улгурок қувонч бўлмаса керак. Илк бора киз узатаётган она оқлибос кийган кизи боробарида ҳаяжонлини тайин. Шу билан бирга ўн саккиз йил кўз қорачигдек авайлаб-асраганини бир кунда ёт уйга қузатаркан, беихтиёр қароғида ёш қалқиди: «Киз бола-палаҳмон тоши» деганлари шу-да.

Киз бор оилада илк марта совчилар эшик қоққанида онанинг кўнгили «қизим ҳали ёш-ку», деган ўй келади. Онаизор учун вояга етиб қолган киз ҳамон қўйирчоқни бағрига босиб юрган жамалаксоч қизалоқдек туюловлади. Лекин кейинги пайта оналаримиз ўзгаришдими ёки кизлар эрта улғайиш-яптими, ҳар ҳолда кизни эрта узатиш ҳоллари кўпайди. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексига «Ниҳон ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белги-ланади» дейилган. Узрли ҳоллардагина ниҳон ёшини бир йилга камайтириш мумкин.



Ҳозир кизларни 15-16 ёшдан турмушга бериш одат тусига кираяпти. Айрим оналар ўзларига қарши чиққанларга яхши баҳона ҳам топиб беришади: «Бизнинг бувиларимиз ҳам 12-13 ёшдан турмушга чиқишган, бало ҳам ўрмаган уларга». Тезроқ қутула қолай, дейишади. Лекин турмушга чиқиб умр савдоси эканлигини ўйлашмайди. Гарчи кизларнинг бўйи онаси билан тенг бўлиб, уй ишларини бемалол эплайётган, бир қарашда соғлом ва дурқун кўринса-да, турмушнинг минг бир чиғирликларидан ўта оладиларми ёки йўқми, гап она шунда.

Яқинда туманимизда рўй берган воқеани эшитиб, беихтиёр ўйга қўмдик, ташвишландик ҳам... «Галоба» хўжалигида яшовчи Эшонхонлар (исмлари ўзгартириб берилмоқда) оиласига эндигина 14 ёшга қадам қўйган Дилрабо келин бўлиб тўшди. Тўйдан сўнг икки

ой ўтар-ўтмас Дилрабо Гулистон шаҳар доялик ва аёллар касалликлари маслаҳати диагностика марказида доволанади. Нега бундай бўлди? Дилрабонинг, Баҳодир (куёв)нинг оила аъзолари наҳотки қонундан беҳабар бўлсалар?! Қоловерса, Шарифа опа энди 14 га кирган, ҳали ҳаёт нелигини тушунишга ҳам улгурмаган кизини қандай қилиб узатишга қўнгли бўлди? Тўй кунни довра тўрида маълумгина келин билан 30 ёшли куёвни кўриб кўнглидан нелар ўтди экан?

Аввало, ушбу ниҳон қонун томонидан таъқилланади. Буни яхши билган Гулистон шаҳар диагностика маркази шифокорлари касалхонада 14 ёшли (ҳамиладор) келинчак доволанаётгани ҳусусида маълумотнома юбориши. Боёв тўман прокуратураси томонидан куёвга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Куёвнинг ота-онаси судда гувоҳ-

лик бераркан, Дилрабонинг анча ёш эканлигидан беҳабар эканликларини билдиришиди. Баҳодирнинг отаси Бердиёр Эшонхон 1997 йил декабрнинг бошларида Мирзаобод туманига - Раҳим Орзиевлар хонадонига совчилкака боришади. Икки-уч марта боришгач, киз томоннинг розилиги билан тўй қилишади. Келиннинг ёши 17 га тўлмагани сабабли қонуний ниҳондан ўтишмай мулла ўқиган ниҳон билан чекланишади. Шу ўринда савол тўғилади: Ниҳон ўқувчи мулла - диний ва дунёвий илмдан хабардор киши демокдир. Наҳотки, илмдор киши юртимиз қонун-қондаларидан огоҳ бўлмаса? Бизнингча, мулла «Оила кодексини» яхши билган, акс ҳолда тергов пайти тўсатган «йўқолиб» қолмасди. Суд бўлиб ўтди ҳамки, мулла «топилмаяпти».

Бўлиб ўтган воқеада биргина йигит билан кизни, уларнинг оила аъзоларини айблашимиз нотўри. Маҳалла-қўй, хотин-қизлар қўмитаси-чи? Улар қаёққа қарошди? Ахир Эшонхонлар яширинча эмас, эл қатори қарнай-сурнай билан тўй қилишган эди-ку. (Гарчи Баҳодир иккинчи бор уйланаётган бўлса-да). Маҳалла оқсоқоли маҳалланинг отасигина эмас, оқил маслаҳатгўйи ҳам бўлиши лозим эмасми? Бир кизга етти кўшини она. Хотин-қизлар қўмитаси расиси наҳотки маҳаллада 14 ёшли қизчани турмушга бераётганликларини эшитиб ҳам аралашшга ҳаққим йўқ, деб туроверган бўлса? Дилрабо-ку, ёшига қизалоқ, ота-анасининг раъйига қарши бораолмагандир. Турмуш ҳақида тузукроқ ҳам ўйлаб кўрмагандир. Дилрабонинг ота-онаси, қўни-қўшини-чи? Раиса опамиз бунча эрта оила қуришнинг оқибатларини тузукроқ ўйлаб кўрмадиларми?

«Отам ўғай эди, бервердилар», - дейди Дилрабо шифокор опага қимтиниб-қисиниб. Ахир ота ўғай бўлса, кизини қўчага чиқариб ташлаш керакми? «Яхши яшоялмиз, буларга ҳеч қандай доъвом йўқ», дейди Дилрабо эрини оқлаб. Қайси андишали, ориятли ўзбек кизи ноқонуний тўй билан турмушга бераётгани учун отасини, эрта соғлигини йўқотишга сабаб бўлгани учун эрини судга беради? Лекин ҳуқуқий демократик давлат сари қодам ташлаётган пайтимизда одил судлов тизими бунга бефарқ қараб турмайди. Суд Баҳодир Эшонхонга икки йил довомида иш ҳақидан давлат фойдасига 30 фоиз маблағ ундириб олиш тўғрисида ҳукми чиқарди. Воқеа рўй бергандан сўнгги жазо фақат бошқаларга ибрат бўлиши мумкин. Жиноятнинг олдини олиш, уни содир қилмаслигини илкони бор-ку. Шунда Дилрабо соғлигини бунча эрта йўқотмаган

бўлармиди?

Киз бола 14 ёшда она бўлиши мумкин, лекин бу унинг она бўлиши шарт дегани эмас, - дейди акушер-гинеколог Муқаррам Аҳмедова. - Гарчи бу ёшда кизлар сила қуришга қобил бўлсалар-да, 18 ёшга борибгина балоғатга етадилар. 15-16 ёшдаги кизлар ҳали на руҳий, на жисмоний жиҳатдан оила қуришга тайёр бўлмайдилар. Хизмат юзасидан кўп марта гувоҳ бўлганманки, балоғатга етмаган кизларда ҳамиладорлик даври 18 ёшдан ошганларга қараганда оғирроқ кечади. Боланинг эрта туғилиб қолиши, вақтида туғилган болалар ҳам ниҳон бўлиши каби нохуш ҳолатлар кўп учрайди. Айниқса, туғиш вақтидаги асоратлар, бепушт бўлиб қолиш, болани жарроҳлик йўли билан олиш, ички органларнинг яллиғланиши каби хасталикларнинг пайдо бўлаётгани биз, шифокорларни анча ташвишга қўймоқда. Мўътадил оналик даври 20 ёшдан бошланиб, 30 га қадр фарзанд кўрилиса, мақсадга мувофиқ. Шундагина боркамол онадан соғлом бола туғилади.

Кизи бор онанинг орзу-ҳаваслари осмон қадр. Емоқ-ичмоқни ҳам, ясанниши ҳам ўнатиб, толган-тутганини сондиққа солади, қизга сеп йиғади. Қарнай-сурнай овозини эшитса, юраги озрикки кетади... Лекин ҳамма нарсанинг ўз вақтида бўлгани яхши. Биз бир оилада рўй берган кўнгилисиз рақса сабаб бўлиб ончадан бўён ўйлантисаётган фикр мулоҳазаларимизни оққа туширдик. Мақола замирида икки оила шаъни, инсон шаъни турганлигини ҳисобга олиб, қаҳрамонларимизнинг исми насобларини ўзгортириб ёздак. Шошқалоқ ота-оналар кизларини ҳимоя қилмас экан, қонун уларни ўз ҳимоясига олади.

Ун еттига кириб-қирмаган кизини узатиш ўйда юрган ОНА! Бироз шошилманг, кизингизга бир разм солин-чи... Пайқаялсизми, сўз оҳангларида эркак бор, дугоналари сингари ўйинқароқ, ҳали хаёлидан болаликнинг беғубор, беташвиш кунлари йироқлашмаган. Қаранг, қизалоқлар «мехмон-мехмон» ўйнаётганда қўшилиб ўйнагудек бўлиб турбиди. Шу кизингизни ёшликнинг завқли, сурурли онларидан баҳра олишга қўймай, оиланинг минг чиғирлики гирдобига ташламоқчимисиз? Яна бир ўйлаб кўринг...

Фарход ҲАМРОЕВ,
Бёвут тўман прокуратурасининг
терговчиси.
Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА.

• Савол Сиздан...

Ҳозирги кунда солиқнинг қўллаб турлари мавжуд. Айтайлик, мен ўз хўжалигимда янгиликлар, у маълум вақтдан сўнг етмаса, уни сўйиб сотсам даромад солиғи тўлашим керакми?
Жамшид МАҲМУДОВ,
Жизза.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддаси «К» банди талабига мувофиқ Жисмоний шахслар шахсий ёрдамчи хўжалиқда етиштирган қорамол, нутрия, болиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам сўйиб маҳсулотларини ҳам ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асосларичлик маҳсулотларини сотишдан олган даромадларига нисбатан солиқ солинимаслиги белгилаб қўйилган.

Агар қорхона бирор-бир тугатилган ишчи қорхона таркибига ташкил этилган бўлса у ҳам 2 йилгача мол-мулк солиғидан озод этиладими?
Зоҳид КОМИЛОВ,
Қашқадарё вилояти.

Агарда юридик шахс тугатилган, қайта ташкил этилган бўлса ва унинг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари неғизинда ташкил этилган қорхоналар, шунингдек ўша тугатилган (қайта ташкил этилган) қорхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган қорхоналарга нисбатан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб 2 йилга мол-мулк солиғи тўлаш имтиёзи қўлланилмайди.

Заводда оддий ишчи бўлиб ишлайман. Институтга ўқигича кирмоқчи эдим, имтиҳонларни топшириш учун фақат йиллик таштили шу вақтда олиш керакми ёки бошқа биров бир ташқи борми?
С. ОРИПОВ,
Тошкент шаҳри.

Бунинг учун сиз иш берувчи номига ариза билан мурожаат этишингиз лозим. Иш берувчи сизга руҳсат этган тақдирда, Олий ўқув юртиларига кириш учун қамлада ўн беш календар кун, ўрта-маҳсус ўқув юртиларига кириш учун эса қамлада ўн календар кундан иборат бўлган, иш ҳақи соқланмаган ҳолда таътил берилади.

Жавобларни
хуқуқшунос Д. ХАЛИЛОВ
тайёрлади.





Ассалому алайкум ҳурматли «Хуқуқ» газетасининг таҳририяти, мен «Хуқуқ» газетасининг доимий муҳлисиман. Газетанинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқийман. Сиз ўз газетангизда қизиқарли мақолаларни чоп этибгина қолмай, балки муҳлисларингизни қизиқтираётган барча саволларига тўлақонли жавоб бериб келмоқдасиз. Гарчи шундай экан, мен муҳлисингиз сифатида сизга бир масала юзасидан мурожаат этмоқчиман.

Менинг 1994 йил иккинчи фарзандим туғма ногирон бўлиб дунёга келди. Қизчамнинг исми Мунира бўлиб, ирсий гемолитик камқонлик касаллигига чалинган. Мана беш йилдирки шу қизчам ҳар ойда 10 кун шифохонада ётиб 1,5 литргача қон олади. Шифокорларни ташхисига кўра бу муррак организм ўзидан қон ишлаб чиқармас экан. Ҳар ой қўйилган қонни эса парчаловчи юборар экан. Хозирда шу фарзандим йилга 10-мартаба шифохонада ётади ва 15-20 литргача қон қўйилади. Ҳозир 100 грамм қон учун донорлар қаманда 2000 сўм талаб қилишади. Бу нарса бизнинг оилада-кўп қийинчиликларни туғдирмакда. Шу қизчамни Тошкентдан келган профессорларга ҳам кўрсатдим, лекин улар биз учун аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни, яъни умрининг охиригача шу нарса давом этишини айтишди. Аввал худо деганларидек, яратган эгом шифо берса ажаб эмас.

Ҳурматли таҳририят! Юқоридан мен учун аянчи бўлган ҳақиқатни ёзишимдан мақсад, сизга бир савол билан мурожаат этмоқчиман.

Мен «Иқтисодий ва ҳаёт» (сони эсимда йўқ) журналида, оиласида бололиқдан ногирон фарзанди бўлса, эрининг ёки хотинининг ойлик маошидан ушланмаётган даромад солиғи 30 фоиз кам ушланади, деб ўқиган эдим. Ҳурматли таҳририят, шу масалада ойдинлик киритиб, ушбу қонун ҳозирда ҳам амалда қўлланолмайтими? Агар қўлланилса 1998 йилда мендан ушланган даромад солиғини тегишли процентини қайтариб олиш ҳуқуқига эгамикин?

Файрат АЛИБЕКОВ,
Қашқадарь вилояти,
Китоб тумани, Жавли Турдиев жамоа
ҳўжалиги Гулбоғ қишлоғида
истикомат қилувчи муҳлисингиз.

Ўзбекистон Республикаси
«Солиқ Кодексининг 59-
моддаси, 2-қисми, «М» бандига
асосан болалиқдан ногирон
бўлган ва доимий парваришни
талаб қиладиган фарзанди
билан бирга яшаб, уни
тарбиялаётган ота-онасидан
бири олаётган даромадига
солиқдан солиқни тўлашдан
ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам
иш ҳақининг тўрт баробари
миқдорига озод қилинади.

Ушбу қонун нормаси
қўлланиши учун фарзанднинг
болалиқдан ногиронлигини
тасдиқловчи ҳужжатларни ўз
иш жойининг бухгалтериясига
топишириш лозим бўлади.

• Нафис мажлис



Ойгул Суюндиқова. 1957 йилда Самарқанд вилояти Пойрақ туманида муаллим оиласида таваллуд толган. «Уфқлар ёнганда», «Умр куйлари» «Эътиқод» ва «Осмон сукунати» номли шеърӣ китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси. Учта фарзанди бор.

Аёллик

Шоира Ойгул Суюндиқова билан суҳбат

- Ватанимиз мустақилликка эришган йиллар орасида барча соҳаларда, аёлларга эътибор, оилаларга ғамхўрлик ниҳоятда катта бўлмоқда. Инсон манфаатлари, Оила ва Аёллар йилларининг узвийлиги киши дилида мунаввар туйғулар уйғотади...

- Бу - табиий. Чунки сиз айтиб ўтган сонларнинг моҳиятида ягона Инсон омили туради. Инсон борки, ўз манфаатларининг жамият, давлат, қонун томонидан ҳимояланишини истайди, айна пайтда ўзи ҳам яшаётган жамият ва халқ манфаатларининг ҳимоячиси ва қўриқчисидир. Инсон борки, оила маъжуд, у билан ҳаёт давомий ривожланишдадир, Оила борки, унинг бутун қудрати ва негизи - Аёллар. Аёллик - бу шундай фалсафаки, унда ҳаётнинг, табиатнинг қони оқади. Мана шундай қудратли қўлга муносабат турли даврларда турлича бўлган. Бизнинг озод ва обод Ватанимизда эса муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуқлигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак». Ахир муборак ҳадисларимизда ҳам: «Авалло онанга, яна онанга ахшилик қил, яна онангни рози қил, кейин отанга, ахшилик қил», «Жаннат эшиги оналар оёғи остидадур», «Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли оёғига хушмуомаларда бўладиганларингиздир. Аёлларни фақат улук одамлар ҳурмат қилади, уларни фақат пасткош одам хўрлайди», дейилган.

- Аёл қалби ва қадри деганда кўнгилдан нималар кечмайди дейсиз!...

- Аёл қалби пок гўзаллик дунёсидир. Мана шу гўзаллик дунёси энг аввало, ўзининг қимлигини кашф эта билиши, ўзини ўзи ҳурмат қила олиши керакки, шундагина у жамоат, оиласи, одамлар иззатига лойиқ бўла олади. Аёл энг аввало, оила учун яратилган. Бу иноят унга Оллоҳ марҳамати ва ўз ота-онасининг тарбияси орқали беради. Бунга ҳар қим ҳам сазовор бўла олмастлиги мумкин. Аёл шу оилада ўзининг нозик елкасига шундай оғир юкларни олганки, ўйласанг, чиндан ҳам аёл бу мўъжиза эканлигига

имкон қадар кўпроқ иштирокини талаб қилишни ишонган ҳолда, эркаклар ва аёллар тенглиги тамойилни қонунчиликда ва амалиётда умум эътироф этилишини таъминлаши зарур деб ҳисоблаб, мазкур Декларацияни таънанали равишда эълон қилди».

Мазкур декларацияга ҳамоман равишда мустақил довлатимиз аёлларнинг ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан таъминлаш йўлидан бормоқда.

Ҳайлайманки, ҳар бир аёл давлат томонидан уларга берилаётган имтиёз ва қофолатларни ўрганиб, билишлари учун аввало, ўзлари билимга чанқок ва интилувчан бўлишлари лозим, шундагина улар ўз ҳуқуқларини тўла англаб етадилар, оиласи, фарзандларини ҳам шу йўлдан келажак сари олиб борадилар.

- Аёллик бахти деганда

БУ ФАЛСАФА

нималарни тушунасиз?

- Бу - оила. Мен аёл ва она сифатида умид билан турмуш курган ҳар бир аёлга оналик бахти насиб этишини тилайман. Афсуски, шундай мунаввар қўнларимизда ҳам аёллик ва оналик шаънига, номига доғ тушириб, енгил ва ифлос йўллар билан яшашга уринаётган, ҳатто жиноят йўлига кириб кетаётган қимсалар ҳам бор. Улар албатта ўз гуноҳлари учун Оллоҳ ва қонун олдида ўз жазоларини оладилар. Мени ўртаган савол шунки, унинг илдизи қаерда? Бундай иллатлар илдизини оила, мактаб, жамоатчилик муҳитидан изласак тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки фарзанд қомил инсон бўлиб етишиши учун аввало, ота-она намуна бўлиши керак, мактаб оила билан узвийликда ишлаши лозим. Одамлар бир-бирининг қандай яшаётганлигига лоқайд бўлмасалар, меҳр-оқибат кўтаришмоқчи, ахлоқсизликларга чек қўйилади. Президентимизнинг одамларни бепарво бўлмасликка ундаётганликлари замирида жуда катта маъно бор. Чунки

лаш, ҳар томонлама ривожланган шахсларни шакллантириш ҳар бир инсоннинг ва бутун жамиятимизнинг муқаддас бурчидир, ҳаёт мазмунидир. Мазкур конвенция боланинг туғилишидан то етуқлик доражасига етунгача қадар бўлган довр инди уни қонун билан ҳимоялашни, иштирокчи давлатлар олдига муҳим вазифа қилиб қўйди. Шунинг учун бу ҳужжат ота-оноларимиз ва фарзандларимиз билиши зарур бўлган муҳим ҳуқуқий манбадир.

- Энди шеърят ҳақида сўз юритсак. Шоирлик мартабамиз?

- Йўқ. Ҳақиқий шоир обрў-эътибор қозониш учун шеър ёзмайди. Шеър бу - умид. Уси ҳаёт маъносиз ва кераксиздай тўлолади. Умид - йиқилсанг, турғиза олодиган онанинг қўларидай қудратли, йилгасанг, кўз ёшингни артудек фарзандинг қулғусидай, меҳридай ҳаётбахшдир. Шеър - бу Ватан. Юракнинг, умиднинг ватани. Шоир учун тириклик сувидир.

Мухаббат БОБОНАЗАРОВА
суҳбатлашди.



